

Ўбеш йилликни муқддасдан илгари баёнрайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЙЛ
ЧИКИШИ
№ 153 (5246).

3
АВГУСТ
ШАНБА

1974 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИДА

1974 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент области колхоз ва совхозларига оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича саноат корхоналарининг социалистик мусобақалари йўналиши кура Ўзбекистон КП Тошкент области комитети, области ижроия комитети ва касаба союзулари комитети, области ижроия комитети, касаба союзулари области Советининг оталиқ ёрдами бўйича кўчма йиллик байроғини Ўзбекистон шаҳрига беришга қарор қилди. (Шаҳар партия комитетининг секретари К. М. Тимофеев, шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Хасанов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Ю. П. Колузаев ўртолди). Байроқ Ангрен шаҳридан олиб берилди.

Тошкент области колхоз ва совхозларига оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича 1974 йил биринчи ярим йиллигида олигана социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун кўндалган коллективлар области партия комитети, области ижроия комитети ва касаба союзулари области Советининг Фахрий ёрдами билан мукофотландилар.

«Чирчиқсельмаш» заводи,
Ангрен керамита комбинати,
«Промстекматериал» трестига қарашли Бекобод темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати,
«Союзветремонт» бирлашмасига қараш-

ли Ўзбекистон ремонт-қурилиш ихтисослашган бошқармаси,
«Таштрансспецстрой» трести.

Шаҳар, район партия комитетлари ва области саноат корхоналари ва ташкилотларининг бошланғич партия ташкилотларининг қуви ва байрати 1974 йилнинг иккинчи ярим йиллигида, юбилей йилда оталиқ ишлари бўйича олигана мажбуриятларни бажариш учун курашга қаратилган, айниқса қишлоқ хўжалик техникасини ва механизатор кадрларини йиғим-терим мавсумига ҳозирлашга эътибор беришлари кераклигини таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар, район партия комитетлари ва саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг бошланғич партия ташкилотлари колхоз ва совхозларга уларнинг меҳнат шаришти, турмушини яхшилаш ва қишлоқ меҳнаткашлари орасида сиёсий-омманий маданий ишларни йўлга қўйишда клублар, кўчма кўчма мажбуриятларни бажаришда, қишлоқ хўжалик техникасини қулай хўш келтириш, қўрғамали ағдариш воситаларини тайёрлаш ва социалистик мусобақани уюштиришда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш тавсия этилди.

Шаҳарлар ва район маданий-оқартув муассасалари, театрлар, ижодий союзулар, олий ва махсус ўрта ўқув юртлири, мактаблар ва спорт жамиятларида қишлоққа ёрдам кўрсатиш йўлида яхшилаш вазифаси топширилди.

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ

САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Партиямиз, унинг Марказий Комитети деб қайд қилинган ўрмон Д. И. Брейневнинг КПСС Марказий Комитети XXIV съезидан қилган ҳисобот докладыда, партия ички демократиясини ривожлантириш, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш йўлини оғишмай ўтказиб келди. Партияда раҳбар органларнинг сайланиши ва уларнинг ҳисобот бериб туришидан иборат принцип изчиллиги билан амалга оширилмоқда. Коллектив раҳбарлик, коллектив бўлиб ишлаш руҳи қарор топди. Партия фаолиятига оид масалалар кенг демократик асосда муҳокама қилинмоқда ва ҳал этилмоқда.

Чиндан ҳам партия органлари ҳисобот сайлов йиғилишлари — партия ташкилотларининг жанг-оварлиқ қўбиялтириш оширишда қўлга келган аҳамиятга эгадир. Бу йил партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг вазифаси мундарица тўғрисида. Ана шу мунсабат билан 15 августдан 25 сентябрга қадар партия группалари ва цех партия ташкилотларида, 5 октябрдан 25 ноябрга қадар бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтказилди.

Ҳисобот сайлов йиғилишлари партия ташкилотлари ҳаётида муҳим сиёсий воқеадир. Бу йиғилишларда партия ташкилотларининг КПСС XXIV съезидан қарорларини бажариш соҳасида олиб борган ишларига яқин асосда, тушунчалар тажрибалар умумлаштирилди, коммунистик қурилишнинг орқа соҳаларига партиянинг раҳбарлигида тақомиллаштириш соҳасидаги вазифалар белгиланди. Бу йиғилишлар коммунистларнинг бирлиги ва КПССнинг ленинчи Марказий Комитетини теваратига янада маҳкам янгилаштирилганлигини чинакам намойишга айланади.

Бошланғич партия ташкилотларининг бундан кейинги фаолияти кўп жиҳатдан бу мажлисларга пухта тайёргарлик қилиш, уларнинг юксак савияда ўтказилишига боғлиқдир. Шу тўғрисида ҳам ҳисобот сайлов йиғилишларини қўлга келтириш, ишчиларни, юксак талабчанлик, ўзаро эришга фикр алмашиш, ўз-ўзини танқид қилиш остида ўтқишга эришиш қарор.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бунинг учун зарур тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Шунга эришиш кераклиқ, ҳисобот сайлов йиғилишлари партия ташкилотларининг жанг-оварлиқ қўбиялтириш йўлида оширишга, КПСС XXIV съезидан қарорларини ҳаётига таъбиқ этишда уларнинг роли ва масъулиятини кучайтиришга ҳизмат этиши.

Йиғилишларда партия ички демократиясини янада ривожлантиришга, партия ҳаётининг ленинча нормаларига қатъий риоя қилинишига эътиборни кучайтириш зарур. Хўжалик ва маданий қурилишда раҳбарлиқнинг услуби ва методларини тақомиллаштириш, ўзаро ўртоқлаш ва бағарас таъбир ва ўз-ўзини танқид ҳам томонлама ривожлантириш, партия ички ахборотининг савиясини ошириш, коммунистлар томонидан айтилган тақдирларни пухта ўрганиб, ана шулар асосида келажикда партиявий-ташқилий, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни янада жонлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш кераклиқ.

Айрим коллективлар халқ хўжалиги планлари ва маданий қурилиш соҳасидаги топшириқларини яхши ўқиди олимайтирлар. Ҳисобот сайлов йиғилишлари тайёргарлик қилиш жараёнида бу қўлоқнинг келиб чиқиш сабабларини пухта ўрганиш, улардаги партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини ошириш юзаси-

дан зарур тадбирларни қўриш лозим. Партия ҳодимларининг, ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, талабчанлигини кучайтириш, партия ва давлат иттифоқини тинмай мустаҳкамлаб бориш, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини назорат қилиб бориш тақомиллаштириш кераклиқ.

Шунингдек, ҳисобот сайлов йиғилишлари тайёргарлик даврида партия ҳужжатларини алмаштиришнинг ушшоқлиқ билан тугаллашга, бу муҳим сиёсий-ташқилий тадбирнинг яқинларини таҳлил этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун ҳар бир корхона, колхоз, совхоз, муассаса партия ташкилотлари, уларнинг конкрет тадбирларига эга бўлишлари, бу тадбирларда ҳисобот сайлов йиғилишларини қачон, қаерда, қайси вақтда ўтказилиши аниқ белгиланган бўлиши кераклиқ.

Мажлислар коммунистларнинг актив иштирокида, қизиқарли ва мазмунли, ўз-ўзини танқид қилишда ўтқиш жиҳатдан докладынинг савиясига боғлиқдир. Демак, доклады тайёрлаш, уни коллектив бўлиб муҳокама қилиш ва тақдирлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбир докладыда биро ёки комитет аъзоларининг партия ташкилотларининг фаолиятига оид нукталарини тўла ақ эътириш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Доклады биро ёки комитет аъзоларининг фаолиятига баҳо бериб ўтсин. Бу ўзаро таъкиднинг ривожлантиришга, масъулиятини оширишга, энг муҳими аса янги состав учун кандидатларни тўғри танлай билишга ёрдам беради.

Бу масалалар юзасидан партия ҳодимлари, партия группалари раҳбарлари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари билан йиғилишлар ўтказиб, уларга йўл-йўриқлар бериш тавсия этилади. Шаҳар ва район партия ташкилотлари ҳодимларининг қўлига ва масъулиятини асосда бўлажак сайловларда сайланадиган партия группалари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, биро аъзоларининг сифат составини қўриб чиқиш кераклиқ.

Шунингдек, партия ҳодимлари ҳисобот сайлов йиғилишлари тайёргарлик ва уни ўтказишга бағлиланган тадбирлар планини ишлаб чиқишда ҳам партия ташкилотларида малакали ёрдам бериш талаб этилади. Йиғилишнинг орта мундарица юксак савияда ўтказган айрим партия ташкилотларининг тажрибаларини ўрганиб, бошқа партия ташкилотлари ўртасида оммалаштириш катта фойда келтиради.

Ҳар бир йиғилишда юқори партия органлари вақтларини аниқлаштириш орқилиги ва улар мажлиснинг қандай савияда ўтқилиши баътафсил таҳлил этиб, уларнинг тақдирлари ва таъқидий мулоҳазалари асосида тадбирлар ишлаб чиқишда ёрдам беришлари кераклиқ.

Республикаимиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи нишонланган беш йилликнинг белгиланган йилда об-ластимиз меҳнаткашлари олдига улкан вазифалар турибди. Улар халқ хўжалигини юксалтириш соҳасида янги марраларни қўлаб меҳнат қилмоқдалар. Ҳеч шубҳасиз, партия органлари ҳисобот сайлов йиғилишлари коммунистларнинг қуви-қаратилиш оммасига олигана ана шу юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида янги резервларни, имониятларини ишга солиб, она-Ватанин улкан меҳнат галабалари билан қўвонтиришга сафарбар этишда катта рол ўйнайди. Бу йиғилишлар коммунистларнинг активлиги қўриги, партиявий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим сиёсий воқеа бўлади.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари август ойини гўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилдилар. Ҳозир даладарда 37 та чопиқ трактори ва 145 сувчи мунтазам ишламоқда. Суратда: колхозининг 12-бригадаси бошлиғи ОБЛОҚУЛ УМИРОВ ва тракторчи ИНЪОМ ҚУЧҚОРОВЛАР навбатдаги ишлов бериш олдидан гўзаларни кўздан кечирмоқдалар. Чанда гўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.



МАРРА 50 ЦЕНТНЕР

Йиғилу районидagi «Ленин» колхозининг Рихсиб Шойфайзев бошчилиги қилаётган 2-пахтачилик бригадасининг аъзолари, гўлқизичи беш йилликнинг аниқловчи йилида ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун эру ушшоқлиқ билан меҳнат қилишмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг янгилашган келажикдаги янги асрий тўғиға мунсабат совиқлар билан келиш учун ҳар гектар ердан 50 центнердан қилаётган бригада аъзолари 100 гектар ерга орта қўламда барана уруғи қадашган эди. Оби-ҳаво инжиқлиқларини енгиб, ишчи социалистик мусобақа асосида тақийл элган бригада аъзолари гўзага тўрттинчи ишлов беришни қизитиб юборишди. Барча майдонлардаги гўзанинг ҳаммаси серлик бўлиб ўсмоқда. Ўз меҳнатларининг самарасидан илҳомланган механизаторлардан Қўчқорали Ҳайдаров ва Набижон Мирзакаримовлар ҳар кун гўза парваришини сифатли ўтказишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Тақрибани сувчилардан Умаржон Нурматов, Турғубой Эргашевлар ҳар кун 2-5 гектар ердаги гўзани қондириб сугоришмоқда. Қилинаётган меҳнат вази-га гўзалар сараяв ривожланиб, пахтакорларни қувонтирмоқда.

Т. КОСЛОВ.

ДЕҲҚОНГА ҲУРМАТ, МЕҲНАТГА МУҲАББАТ

Колхозда одатдан ташқари воқеа юз берди. Бунга иш сира бўлмаган эди.

Залда одамлар лиқ тўла, ҳамма олти ойлик ҳисобот мажлисининг бошланишини кутарди. Ниҳоят, колхоз раиси Эргаш Нибоев минбарга чиқиб мажлиснинг очди. Предиумта сайланганлар жойларини эгаллашди. Шу пайт залга елкасига қизил алвос бойлаган колхоз ветеранлари, меҳнатда урвак кўрсатган ишгорлар кириб келишди. Улар орасида пенсия бер — шилла Кўзи ота Давлатов, колхоз ишига ҳаминча ердамлаш келаятган Шербой ота Уролов, Карим ота Дарвишев, Турон Рустамов, Эргаш Бойтўраев, Дийсан Ийинов, Салтанат Алимова, Каромат Саидова сингари ҳурматли кишилар, бор эди.

Бу жуда ажойиб бўлди. — деди залдагилардан бири, — одамни қадрлаш улуг нарсас. Олдин одамларини шундай ҳурматлаш, қадрлаш, фойда булариниға эмас, ҳаммаини хурсанд қилди. Бу одам залда ўтирганларининг дилидаги гапларини айнан айтган эди. Ҳалол меҳнаткаш колхозда қадр-қиммат топаётти, эл ҳурмати сазовор бўлаётти. Бу сазоват, колхозга бўлган меҳр-муҳаббатни ўтган олти ойлик иш натижаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Ярим йилда ишлаб чиқарилган маъмурий колхоз 84097 сўм даромад қилиш лозим эди. Ҳақиқатда аса колхознинг ярим йилда 235 процент қилиб бажарилиди. Колхоз қорвдорлари эру гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун қорвачилик ҳужжатларининг сардоридан манбаига

ЯРИМ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ ИЙГИЛИШИДАН

айланиб бормоқда. Чунки қорва маҳсулотини йилдан йилга ошайпти. Масалан, план бўйича бу йил 43 тонна урнига 64,34 тонна гўшт ишлаб чиқарилади. Бу булутурига нисбатан 37,6 тонна кўпдир. Ишнинг сўз билан айтганда йиллик гўшт ишлаб чиқариш 149,6 процент адо этилди.

Сут ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан олти ойда 27,1 тонна кўп бўлди. Тукум, пилла ишлаб чиқариш ҳам шу хилда ошди. Пахтачилик — колхозда етакчи тармоқ. Пахтакорлар юбилей йилида гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Аммо гўза парвариши бошланган пайтда, яъни 10 майда 1200 гектар пахта майдонидан 800 гектар иш бўлиб, Бирок, колхознинг саросимига тушмадилар. Ҳар ердаги чигит қайта экилади. Гўза парваришини кучайтиришда Қийинчиликлар мардоввор енгилди. Эргаш Нибоев ярим йиллик ҳисобот докладыда шулар ҳақида батафсил гапирди. Шу билан бирга сувдан фойдаланишини ҳамма ерда яхши эмаслигини, айрим сувчилар бепаролиқ қилаётганини кўрсатиб ўтди.

— Бизнинг азаматларимиз иттифоқда, айтилган ишнинг ўз вақтида астойдил бажариладилар. Шунинг учун гўзамизнинг ривоси, ҳосили яхши, қўнғилимиз тўқ. Йил бошида 40 центнердан ҳосил берилиш деган эдик. Шу ваъданимиз ваъда, — деди бригада бошлиқларидан Нашир Чинтошев.

— Гўза — деҳқоннинг фарзанди. Колхозчиларимизга раъзат.

Дўл урган оғир пайтда эру гайрат билан меҳнат қилдилар. Дарҳол чигит қайта экилади. Мана ҳозир ҳар тўп гўзада 4—5 тадан қўсақ, 6—7 тадан гўза бор. Йилда 45 кун ишнинг тўхтатмаймиш, 2—3 марта ишлов берилиш, сугоришмиш. 3 та трактор билан гўшт ташини давом этаётти. Гектаридан 40 центнердан пахта берамиш, деб сизларни нишонтиратти, — деди бригада бошлиқларидан Жўра Сафаров.

Бўрон Бойтўраев, Турғун Миркаримов, Қўрбон Наймонбоев ва бошқа бригада бошлиқлари шу мазмунда гапирдилар. Ҳеч ким «Гўзамизни дўл урган, қайта эвкамиз, йил бошида берган ваъданимизни бажара олмаймиз», дедими. Улар «Берган ваъданимиз қатъий» деб қомил ишонч билан гапирар эдилар. Арслон пазидан, йилнинг сўнidan қайтмайди, деганларидек, Оққўрғондаги Қўйишев номили колхоз аъзолари ўз берган табиий офатини енгиб, колхоз бўйича 40 центнердан ҳосил етиштириш, 4800 тонналик хирмон кўтариш учун астойдил курашмоқдалар.

Дўл, сел бўлди, қанча қўнғимча харажатлар сарфланди. Шунга қарамай хўжаликда маҳсулот таннарини арзонлаштириш, тежамкорлигини билан иш юритишга ҳам эътибор берилди. Шунинг учун ярим йилда план бўйича белгиланган ҳар хил харажатлардан 26637 сўм тежаб қолинган.

Залга йиғилган колхозчилар август ойини гўза қатор ораларида ишлаб-йилла, бўналик, янзавалик мусобақадорлар масъулиятини амалга оширамиз, деб қарор қилдилар.

Б. ХАЛИЛОВ.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚЛАРИ ВА ДОКЛАДЛАРИ ТУПЛАМИНИНГ ИККИНЧИ НАШРИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев нутқлари ва докладынинг «КПСС аграр сиёсати масалалари ва Қозогистон қўриқ ерларини ўзлаштириш» деб аталган тўпламининг иккинчи, тўдирилган нашрини босмадан чиқарди. Л. И. Брежневнинг бу тўпламга киритилган ва партиянинг қишлоқдаги сиёсати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига бағлишлан докладылар ва нутқлари 1954 йилдан 1974 йилгача бўлган даврга тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг тўпламга киритилган нутқлари коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида КПСС аграр сиёсати тўғрисида мукаммал, кенг тушунча беради. Қўнғилиги биринчи марта эълон қилинаётган ва катта ҳажмдаги материалларни ўз ичига олган бу китобда социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга партия раҳбарлиги тажрибаси кўрсатиб берилган.

(ТАСС).

„САЛЮТ-3“ СТАНЦИЯ- СИННИНГ ПАРВОЗИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

Учинчи бошқарни маркази, 1 август. (ТАСС). Шу йил 25 июнда Ер атрофидаги орбитага чиқарилган «Салют-3» йиллик орбита станцияси 1 августда Москва вақти билан соат 10 гача Ер атрофини 600 марта айланди. «Салют-3» станцияси «Союз-14» космик кемаси билан биргаликда экспериментлар ўтказилгандан кейин автомат равишда ишланган давом этирмоқда. Орбита параметрлари қуйидагича:

- Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейда) 286 километр;
- Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейда) 264 километр;
- орбитанинг оғиши 51,6 градусл;
- айланиш даври 89,8 минут.

Телеметрия информацияси маълумотларига қараганда, станция ичидagi барча системалар нормал ишлаб турибди. Бўлмағларда ҳарорат нелсий бўйича 21 даража иссиқ; бошим сиймо устунининг 846 миллиметрга тенг. Координатия-ҳисоблаш маркази олимаётган маълумотларини ишлаб чиқмоқда.

Хонбоб ДАВЛАТОВА.

САККИЗИНЧИ ҲАҚИРҚЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИННИНГ ОЧИЛИШИ ТУГРИСИДА

Саккизинчи ҳақиқий Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси шу йил 6 август эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислари залида очилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислари залидан 5 август соат 10 дан 14 гача ва соат 15 дан 19 гача, 6 август эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинади.

ИШЧИ ВА КОЛХОЗЧИЛАРДАН САЙЛАНГАН
ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ БЮРО
АЪЗОЛАРИ ОБЛАСТЬ СЕМИНАР-КЕНГАШИДАН



«ЖАМИЯТ ҳаётининг барча томонларига раҳбарлик савиясини, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини ошириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш билан беvosита боғланган, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездидаги ҳисобот докладыда, — партиямиз ҳозир бу жиҳатдан жуда катта имкониятларга эга. Ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг сиёсий онги, билим даражаси, профессионал тайёргарлиги ўсиб бораётган. Партия худди ана шу кишилар орасидан, халқ орасидан коммунистик қўрилишнинг барча участкалари учун таланти, қобилиятли раҳбарларни етиштироқда».

Ҳозир пойтахт областида 846 коммунист шаҳар партия комитети аъзоси ва аъзоликка кандидат ҳамда ревизия комиссиялари аъзолари ҳисобланади. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзидагина 1.152 коммунист район партия комитети аъзоси, аъзоликка кандидат ва ревизия комиссияларининг аъзоларидир. Қиш лоқ район партия комитетларида 1261 коммунист райком аъзоси, аъзоликка кандидатлар ва ревизия комиссияларининг аъзолари ҳисобланадилар. Яқинда бўлиб ўтган област семинар-кенгашида партия комитети аъзоларининг роли ўсиб бораётганлиги, меҳнат коллективларида ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш борасида уларнинг вазифалари тўғрисида гап борди. Кенгашда ишчи ва колхозчилардан шаҳар ва район партия комитетлари бюро аъзолари қилиб сайланган коммунистлар қатнашдилар.

Кенгашнинг област партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг муdiri О.З. Зуфаров олиб борди. Кенгаш-семинар ишида област партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими муdirининг ўринбосари М. И. Кунов, област партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси А. И. Шукратов, Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг муdiri В. Т. Покутнев иштирок этдилар.

Суратда: партия бюроси аъзолари област семинар-кенгаши қатнашчилари билан суҳбат пайти. А. Мальцев фотолари.

ПАРТИЯ БЮРОСИ АЪЗОСИ—
ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАРБИЯЧИ

ИШОНЧНИ
ОҚЛАЙМИЗ

— МЕНИ иккинчи марта Фрунзе район партия комитети бюросига аъзо қилиб сайланди, — деб айтди «Ташкент-стильмаш» заводининг слесарий-йиғувчиси Н. Б. Алексин, — бу юксак ишонччи ўз меҳнатим билан оқлаш учун курашаман. Партиявий ишларда актив қатнашнинг шарафли бурчи деб биларман. Коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва истакларнинг ҳаёtgа мумкин қадар тезроқ татиб этилишига ўзимнинг ҳам ҳиссамни қўйсам дейман. Ана шу мақсадда партия ташкилотининг фаолияти билан чуқур танишиб бораман.

Заводда ишлаётганимга йигирма олти йил бўлди. Ўзининг ишлари билан республикамиздан ташқарида ҳам пушхрат қозонаётган меҳнат коллективи вакили сифатида биро аъзоси бўлганлигим билан фахрланаман.

ман. Айниқса, район партия комитети бюросида заводимиз партия ташкилоти ишчи масаласи муҳокама қилинганида ўзимнинг мулоҳазаларим фойда келтирилганини ҳис қилиб, бажараётган ишимдан маънавий қониқиш ҳосил қиламан.

Чундан ҳам район партия комитети бюроси аъзоси бўлиш — бу ҳар бир коммунист учун юксак шарафдир. Район партия комитети бюроси томонидан берилган ҳар бир топшириқни ўз вақтида бажариш учун ҳаракат қиламан.

Заводда партия группасига ҳам раҳбарлик қиламан. Коллективда сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва ташкил этишга катта эътибор бериб келмоқдамиз.

Коммунистларимиз Ўзбекистон



тон Компартияси Марказий Комитети XV пленуми талабларини асосида омма ўртасида илoлoгия ишларини янада кучайтириш, Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун гайрат қилмоқдалар.

ЖАМОАТ ИШИ—
ШАРАФЛИ ИШ

— Баъзан ўртоқлар билан суҳбатлашсангиз, улар жамoат ишини асосий иш билан уйғушлаштириб олиб бориш анча қийин бўлайти, деб нолишадилар. Албатта, осон эмас. Лекин коммунист ҳар қандай қийинчиликларни енгиш, жамoат топшириқини ўрнига қўйиб бажариш учун бутун имкониятнинг ишга солиши, куч-гайратни, билимининг аямаслигини зарур.

Бенoбoд шаҳар партия комитети бюроси аъзоси, цемент комбинати ишлаб чиқариш цехининг смена мастери З. Мусоев ўзининг бу сўзлари билан олдинги нотикнинг фикрларини бойитди.

Дарҳақиқат, партиявий иш — ишонч иш. Партия ҳодимининг фаолияти кўп қирралидир. У бажарадиган ишларнинг саломатини процентлар билан ўлчаб бўлмайди. Коммунист ҳамиша олдинги сафда бўлиши, ўрни келганда ҳамкасбларига маслаҳатчилик, ҳамдардлик қилиши шарт. Агар керак бўлиб қолса, маъмурият, партия ташкилоти билан маслаҳатлашиб, уларга зарур ёрдамни уюштириш лoзим.

Мен пропагандист сифатида машғулотларга тайёргарлик қилишга алоҳида эътибор бераман. Ўтиладиган темани маҳаллий ҳаётдан олдингача мисoллар билан янн юракдан, самимий суҳбат қилишнинг афзоли қўраман. Қўпчида кўзланган мақсадимга аришаман. Суҳбатимдан одамлар маънавий озиқ олаётганликлари ҳис қилиб, ўз ишидан катта қониқиш ҳосил этаман. Бу соҳада менга тажрибанир коммунистлар, сиёсий маориф хонасининг ёрдами катта бўлипти. Сиёсий маориф хонаси ҳодимлари меннинг алтимосига кўра керакли адабиётларни таллаб берадилар, айрим масалалар бўйича эса консултация уюштиридилар.

Мен шаҳар партия комитети бюро йиғилишлари, пленумлари ва актив йиғилишларида муҳокама қилинадиган материалларни тайёрлаш ва фикр-мулоҳазалар билдиринишда ҳам актив қатнашаман.

Йқинда граждoнларнинг сони, уларнинг турар-жойларга бўлган оҳиёежи, турар-жойларнинг тақсимланиши масаласини тай-



ёрлашда иштирок этдим. Ўзбекистон металлургия заводида бу ишнинг аҳоли қандай аҳалигини ўрганиб чиқдим.

Ҳозирги кунда комиссиялар билан биргаликда бу материалларни шаҳар партия комитети пленуми муҳокамасига тайёрламоқдамиз. Пленумда партия ҳужжатларини алмаштиришнинг бoриши тўғрисида ҳам сўз бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда заводимизда бу иш қандай йўлга қўйилганлигини нухта ўрганиб чиқмоқдаман.

ҚАЛБГА
ЙЎЛ

Чарқик шаҳридаги Ўзбекистон утга чидамай металлургия каттиқ қотишмалар комбинати мастери Э. И. Усмонов сўз олдди.

— Цехимизда, — дейди у, — ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан-йилга ахишланиб бoримоқда. Биз республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллик юбилейи муносабати билан ўз ички имкониятларимизни ҳисoблаб кўриб зиммамизга оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдамиз.

Жамoат ишларида қатнашши эса сиёсий онгимни ўстирмоқда. Шаҳар партия комитети бюро аъзоси сифатида ўтган давр ичида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларда бирмунча тажриба орттирдим.

Авалло шунинг айтиши кераки, бюро йиғилишларида қатнашип коммунист сифатида меннинг зиммамдаги масъулиятни янада оширадиган. Мен бу йиғилишларда муҳокама этиладиган масалаларнинг туб моҳиятини аниқлаб олишга, шу билан бирга ўрни келганда ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни далил айтишга ҳаракат қиламан. Ҳамкасб ўртакларим, коммунист ўртоқларим ўз ёни бу масалаларда менга Мурожаат қилиб турадилар. Мен маъмурият ва партия ташкилоти оралиги уларнинг илтимосларини қондириш, саволларига тўлиқ жавоб бериш учун ҳаракат қиламан.

Маълумки, меҳнат интизоми — унумдорлиқни оширишнинг асосидир. Бюро йиғилишларидан бирида ана шу масала муҳокама қилинди. Ҳар бир коммунист ўз коллективинда меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашини, бунинг учун эса ўз имконияти, маънавияти тўла ишга солишини қайт эттиди.

Биз коммунистлар олиб бoраётган тарбиявий, оммавий ишлар сависини ана шундай йўл билан тобора ахишланиб бoримоқда.

Шаҳар партия комитети бюросида қўрилган масалалар ва бу масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг моҳиятини коллектив ўртасида тушутиришга, лoзим бўлса ана шу қарорлар асосида коммунистларнинг йиғилишларини ўтатишга алоҳида эътибор бoримоқдамиз. Бундай йиғилишларда коммунистлар резервларини фойдаланишга оид қўлдан-қўл қимматли тақлифлар билан чиқмоқдалар.

Шунингдек, шаҳар партия комитети бюроси қарори билан заводимиздаги 3 ва 5-цех коллективларининг ҳисoбoтини ҳам оштирдим. Бундай йиғилишларда ҳам янгидан-янги резервлар аниқланди.



ТАШАББУС ВА
МАСЪУЛИЯТ

дафтарчами олиб, унга қўрилмак масала юзасидан ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни қайт қилиб қўйман.

Райком бюроси ва секретарлари, айрим вақтларда бoрoд қўрилган масалаларни тайёрлашда ҳам менга топшириқ бoриб турадилар. Масалан, мен районимиздаги Калинин номи колхоз партия ташкилотининг ҳўжаикна раҳбарлик соҳасидаги фаолияти билан танишиб чиқдим. Бу топшириқни бажариш жараёнида кўпчила коммунистлар билан суҳбатлашдим, уларнинг меҳнати билан танидим.

Ўз бурчимни яхши англаб, масъулиятни тўла ҳис қилиб меҳнат қилаётган коммунистлар ишлаб чиқаришини юксалтиришга, моддий бойликлари кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг куч-гайратини, асосий эътиборини янада кучайтиришга маддатидан йлгари бажаришга, қишлоқ ҳўжалик инчиларидан мўл ҳосил етиштиришга қаратмоқда. Ленин ҳўжаликна раҳбарлик соҳасида бoй бeриладиган имкониятлар ҳам йўқ эмас эди. Мен бу соҳада ўзимнинг конкрет фикр ва мулоҳазаларим баён этилган маълумотни райком бюросига топширдим.

«Гулистон» колхозинда чорвачилик ишларининг бoриши, маҳсулдорлигининг ортиши ма-

салалари билан ҳам қизқидим. Партия ҳўжаикларини алмаштириш жараёнида эса айрим колхоз ва совхозлардан келган коммунистлар билан суҳбат ўтказдим.

Коммунист ҳамиша олга интилсин, бугун кечадиган, эртала эса бугунгидан унумли меҳнат қилиш учун гайрат кўрсатиши керак. Мен ўзимнинг партиявий бурчимни ана шундай деб биларман. Ўтган йилги пахта териш кампаниясига тайёргарлик қилиш вақтида район механизаторларига мурожаат этиб, машиналар билан кўп ва сифатли пахта теришга даъват этдим. Бу мурожаат маъбуотда эълон қилинди. Зиммамга юксак мажбурият олидим. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун куч-гайратимни аямасдан меҳнат қилдим. Агар 1971 йилда ҳирмонга 189 тонна пахта тўқна бўлсам, 1972 йилда 211 тонна, 1973 йилда эса 250 тонна «оқ олтин» тўқдим.

Район партия комитетининг бюроси ва пленумларига тайёргарлик қилишда райком ҳoдимлари менга катта ёрдам бермоқдалар. Бу ёрдамлар мен сизгари олдин пахтакор механизаторнинг сиёсий масалаларни тўғри тушуниб олишимда, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашимда муҳим аҳамиятга эга бўлаёттир.

Насиб пахтакор бўлганлиги учун ҳамиша ана шу касбимни аъзолаш, бу соҳадаги илoр тажрибалар ва илoр усулларини ўрганиб, ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида қай тураман, — дейди Янгибўд райoмидаги «Ленин» колхозининг бригад бошлиғи О. Айтқулов. Район партия комитетининг бюро аъзоси сифатида менга пахтачиликда илoр тажрибаларини оммалаштирилишида тарғиботчилик қилиш топшириғи берилган.

Энг аввало бригадамизда ердан унумли фойдаланиш, комплекс механизациянинг кенс жорий этиш тўғрисида иш олиб бoрдим. Ҳамфикр бўлиб, бамаълаҳат иш олиб бoриш яхши натижалар бeра бошладим. Агар 1970 йилда ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил 50 центнерлик меъдари қўзалимиз.

Коммунистнинг масъулияти ҳар бир соҳада катта бўлиши керак. У меҳнатда ҳам, интизомда ҳам, оила тутишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши лoзим. Район партия комитети бюро йиғилишларида бирида ана шу масала муҳокама этилди. Юбилей йилида барча колхоз ва совхозларда кўп центнерчилар ҳаракатини авж олдириш, илoр тажрибаларини қўйиб билан ўрганиб, оммалаштириш, фан ютуқларини иш-

ИЛГОР ТАЖРИБА-
ЛАРОММАГА



лаб чиқаришга далил жорий этиш зарурлиги кўрсатилди. Биз кўпчи бригадда далада, ҳудудда ҳам бўлиб тураман. Ҳусусан, «Коммунизм» колхозининг илoр бригад бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Марамов бригадасида бўлганда кўп нарсани ўргандик. Бу бригадда

ғўзани сўғориш ва култивация ишлари гoт моҳирлик билан бир-бирига боғлаб олиб бoрилмоқда.

Колхоз ва совхозларда комплекс механизациянинг жорий қилиниши, меҳнатин илмий асосда ташкил этиш қандай йўлга қўйилган?

Район партия комитети бюро йиғилишларида бирида ана шу масала қўрилиши керак эди. Бу масалани тайёрлашда меннинг ҳам қатнашганимни таъкиф этишганда гoят хурсанд бўлдим. Комиссия аъзолари билан тегинли колхозларда, бригадаларда бўлиб, масалани тайёрлашга киришдик. Ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни мен ҳам бoрoда айтиш шарафига муяссар бўлдим.

Ҳақиқатан ҳам комплекс механизация ва меҳнатин илмий асосда ташкил этиш деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган ишдир. Биз пахтакорлар ва коммунистлар партия ва ҳўкуматимизнинг бу соҳадаги кўрсатмаларини амалга ошира бoриб, янги марраларни қўлга кириштиш учун тинмай кураш олиб бoрамиз.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР
ТАЙЁРЛАЙЛИК

— КўПГИНА ёш коммунистлар сингари мен ҳам комсомол-ёшлар ўртасида жамoат ишларини доимий равишда олиб бoримоқдаман, — деб сўз бошлади Қўббисев район партия комитети бюроси аъзоси, Тошкент трактор заводи ишчиси А. В. Федюшина, — мен цех комсомол ташкилоти секретариман. Тўғриси айтган яхши; баъзан жиддий қийинчиликларга дуч келинади. Ле-

кин активларга, тажрибали кекса коммунистларга сўйиб, уларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари асосида иш олиб бoраётганлигим туфайли бундай қийинчиликларни енгиш оson бўлмоқда.

Биз энг аввало ёшларни ота-оналаримизнинг шoлини меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Дарҳақиқат, кекса авлоднинг меҳнат жасорати, ре-



волюцион анъаналари — ёшлар учун мерос бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда ВЛКСМ XVII съезида ўртоқ Л. И. Брежнев жуда яхши гапларини айтган эди. Биз, ёш ишчилар ўз устозларининг ёрдам ва маддатларини ҳамма вақт сезиб ҳис қилиб туришларини исбатлашамиз.

Заводда ўрта маълумотга эга бўлмаган ёшлар анъанасига бoр. Уларни ўқитиш қалб этиш керак. Фақат бoзининг чекдангина ана шундай ишчилардан 22 киши меҳнат қилмоқда. Биз уларга ўқилиш давом эттиришлари учун зарур шарт-шарoтларни яратиб бeришга ҳаракат қилмоқдамиз. Кекса коммунистлар уларни ўз оталиқларига олганлар.

Физкультура ва спорт, ҳаваскорлик тўғрoнларини, комсомол-ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ўстиришга ёрдам бeради. Партия комитети ва корхона маъмурияти бу ишлар учун катта эътибор бeриб спорт мусoбақаларининг маъмули ўтиш тўғрисида қайғуришлари зарур.


Цехимизнинг ёш ишчилари

Ўзбекистон республикаси ва Ўзкомпартиянинг эдик йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўзaro мусoбақа меҳнат кўтаринкилигини авж олдиришга катта ёрдам бeраёттир.

Област партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг муdiri О. З. Зуфаров кенгаш қатнашчиларида област партия ташкилотининг структураси, партия ҳўжаикларининг вазифалари ҳақида сўзлаб берди.


Семинар-кенгашда област партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси А. И. Шукратов, Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг муdiri В. Т. Покутнев ўртоқлар сўзладилар.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



САМАРҚАНД ва Хоразм воҳасининг гўзал Хива шаҳри доғруғи жаҳонга ёйилган ўзбек нақшошлари қўлида сайқай тоған тарихий обидаларга жуда бой. Қўхна меъморчилик услубида яратилган мадраса, масжид, мақбара ва турли қўшоналар қўзғи олувчи нафис ва ранг-баранг бўёқларини ханузгача йўқотмаган. Шунинг учун ҳам ҳар йили хорижий мамлакатлардан гўзаллик шайдолари бўлган минглаб сайёҳлар бу кўхна обидаларни томоша қилгани келадилар. Суратларда: кўхна Самарқанд шаҳри, (тепада). Хивадаги Ичкари қалъасига кириш дарвозаси (пастда) тасвирланган.

С. Сельцер ва В. Таран фотолари.



ДЎСТЛИК ПОЧТАСИ

Полиграфист кадрлар ўчоғи сифатида кенг танилган бу хунар-техника билим юрти иш бошлаганига 40 йилдан ошди. Бу орада у бой тажриба тўпладди, яхши анъаналар таркиб топти.

Бу ерда ишлаб турган Ленин музейи ва интернационал дўстлик бурчларининг фаолияти ҳам нобратлидир. Уларда сақланаётган экспонат ва эсдалик совғалар катта коллекцияни ташкил этади.

Билим юртига мамлакатимизнинг турли бурчларидан, чет эл давлатларидан совға-саломлар, мактублар келиб туради. Кейинги йилларда, Москвадаги 3-76, Минскдаги 32-Тбилисдаги 34-билим юртлари билан алоқа боғланди. Эндиликда Будапешт, София, Берлин каби чет эл шаҳарларидан келиб турган мактублар учун «Дўстлик почтаси» очилган.

КОМБИНАТ МАБЛАҒИГА ДАМ ОЛИШ УЙИ ҚУРИЛДИ

БЎСТОНЛИҚ. (ЎзТАГ). Тоғларёс Угам соҳилидаги катта ҳовуз мевазор боғда Ўзбекистон қишлоғи эрийдиган ва ўтга чидамли металлургия комбинатининг дам олиш уйи очилди. Икки-уч кишилик палатада металлургиянинг 60 кишидан иборат йиғилиш группаси жойлашди. Янги шифохонада кенг ошхона, спорт комплекси, кат-

талар ва болалар учун алоҳида-алоҳида иккита катта ҳовуз бор. Металлургия икки кунлик путёвка олиб шанба ва яншанба кунлари бу ерда болалари билан чодирларда дам оlishadi. Дам олиш уйи корхона маблагига қурилган. Комбинат учун қуриш учун 150 миң сўм сарфлади.

Янги шеърлар

ШЕЪРИМ - СЕНИНГ ҚЎШИҒИНГ

Ҳали кўм-кўк осмонда
Мият-милт ёнар қолдулар.
Тонг отмоқда, шийлоқда —
Ухламоқда ой қизлар.

Чикиб келдинг сен аста
Чинор ости суяга.

Ҳаёлларнинг пайваста
Шўх-шўх оққан суяларга.

Гавҳарларим, зарларим
Тошмасин ногоҳ, дейсан.
Мириқсин гўзаларим,
Бўлайин ногоҳ, дейсан.

Қўқини талпингандек
Сут сураб митти гўдак,
Тутган суянига иштиқ
Талпинар гўл ва қўсақ.

Қарайсан, жўшиб кетар
Дилбар аёллик меҳрини,
Шунда менинг ҳам битар —
Шеърим — сенинг қўшиғинг.

КЕЛАСИЗ ДЕБ

Хабар келтирди сабо келасиз, деб,
Гуллар ҳуснида оро келасиз, деб,
Будбул бошлари наво келасиз, деб,
Дилда қувончим дарё келасиз, деб.

Олис эканми йўллар шунчалар ҳам?
Қўймас эканми чўллар шунчалар ҳам?
Қаттиқ эканми диллар шунчалар ҳам?
Ўмид бор эди танҳо келасиз, деб.

Йилча туюлди ойлار назаримда,
Оқди қалча сув-сойлар назаримда,
Мени Мажнунвор айлар назаримда,
Йўқлаб қошимга Лайло келасиз, деб.

Меҳрим кучими, билмам соғинганим?
Ишқини бурчими, билмам, соғинганим?
Шунча кучлими, билмам, соғинганим?
Ўқман ушимда гўё келасиз, деб,
Дилда қувончим дарё келасиз, деб.

СЕВАСАНИ ШОФЁР ЙИГИТНИ?

Офтоб чехра, қора кўз дилбар,
Севасани шофёр йигитни?
Яқин бўлса узоқ манзиллар,
Севасани шофёр йигитни?
Елаберса бузмай қонда,
Ҳамма иши бўлса жойида,
Энтиқади қувончдан диллар.

Севасани шофёр йигитни?
Мингган «пўлаз тулпор»и
«Волга»
Бел боғлаган хизматга элга.
Баъзан бедор ўтади тунар,
Севасани шофёр йигитни?
Шофёр аҳли дилкам бўлади,
Яхшиларга йўлдош бўлади.

Нега кўнглинг оҳидек хуркар?
Севасани шофёр йигитни?
Лабларингда ширин табассум,
Кел, ёнида ўлтириб бир зум.
Офтоб чехра, қора кўз дилбар,
Севсанга агар шофёр йигитни.

Муҳаммаджон ҚўШОҚОВ.

БАХТИЁР ҚИЗ

Тонг сузилиб боққан чоғида,
Сайр этаман севги боғида,
Шўхлиқларим тутиб гоҳида,
Тонг куйига бўлган жўр овоз.
Кумуш ранглар тонининг
қўйлаги,

Мунча гўзал севги йўлаги,
Унда қолди қалбим бўлаги,
Қўшқ айтиб саз чаламан, саз,
Қўш чикса табассум қилиб,
Соч тарайман ҳавасим келиб.

Худди ишқдай, қўнглимни
билиб,
Қўш менга айтар эди роз.
Арофат НОСИРОВА.

Спорт

МУВАФФАҚИЯТ КЕТИДАН МУВАФФАҚИЯТ

Газетамизнинг ўтган соннда ўзбек чавандозлари уч курашда СССР чемпионли бўлганликларини хабар қилган эдик. Му- тахассислар республикамизнинг спортчиларига юқори баҳо беришди. Қизгин курашларда аjoyиб маҳорат кўрсатган 20 ёшли И. Йўлдошев СССР тер- ма командасига аъзо қилиб олинди.

Маълумки, шу йилнинг 12 — 15 сентябрыда Англиянинг Беркли шаҳрида жаҳон бирин- чилиги учун чавандозларнинг уч кураш мусобақалари бўлади. Ана шу учрашуларда И. Йўлдошев совет спорт шара- фи учун курашади.

Ўзбекистон ССР спорт ко- митети коллегияси республика- миз терма командасининг олтин медал олишига катта ҳис- са қўшган Фахрий спорт мас- тери Мамажон Исмоиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер» фахрий ун- вонини берди.

ЎН БЕШИНЧИ

МАРТА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Лондонда XX Бутунжаҳон студентлар олимпиадасида совет шахматчилари ўн бешинчи марта жаҳон чемпионли деган юксак номини олишга муваффақ бўлишди.

Охириг тур олдида жаҳон чемпионли бўлиш учун коман- данинга ярим очкогина керак эди, холос. Совет шахматчи- лари Нидерландия ёшлари усти- дан 3:1 ҳисобида ғалабага эришиб, шохсувнинг турдан фахрий ўрин олдилар. Шах- матчиларимиз финалда 36 им- политдан 26,5 очко жамғарди- лар. Шахсий кўрсаткичларда Рафнқ Бағияев 11 имполитдан 10 очко, О. Романов 9 имполитдан 8 очко, С. Пала- тинг эса 8 имполитдан 7,5 оч- кога эга бўлди. Шунингдек, У. Белицкий ҳам энг юқори кўр- саткичга эга бўлди.

22,5 очко тўплаган Америка шахматчилари кумуш медал олишга муваффақ бўлишди. Бронза медал эгаси қолган ўйинлар натижасида маълум бўлади. Бу ўринга эса Венгрия ва Англия студентлари даъво- гарлик қилишмоқда.

Оққўрғон райони марказида Ангрен дарёсининг хушманза- ра қирғоғида қолхозларро са- наторий-профилакторий барпо этилди.

«Узколхозстрой» давлат- кооператив бирлашмасига қар- ашли «Обколхозстрой» трес- тини бинокорлари томонидан бу- нёд этилган бу шифохонада айни вақтда сўнгги сайқаллаш ва медицина жиҳозларини ўр- натиб ишлари амалга оширил- моқда.

«Узмежколхозпроект» инсти- тути ижодкорлари 84 ўриқли қолхоз шифохонасининг ҳар томонлама қулай ва қўрқам

КОЛХОЗЧИЛАР ОРОМҒОҲИ

бўлиши учун ижодий изланди- лар. Лойиҳалаш институти қу- рилиш бўлимининг бошлиғи, қолхоз шифохонаси лойиҳаси- нинг бош инженири Ю. В. Ша- рагин етакчилигидаги меъмор- лар ижоди ўз самарасини кўр- сатди. Янги санаторий-профи- лакторий бир неча бинолар

комплексидан иборат бўлиб, шифохонанинг асосий уч қав- атли қорусида турли даво- лаш кабинетлари, палаталар жойлашади. Ана шу асосий корпуснинг иккинчи ва учинчи қаватларидаги икки кишига бўлajakланган кенг ва ёруғ палаталарда қишлоқ меҳнат-

кашлари ўз соғлиқларини ях- шиландилар. Асосий корпус- га уланиб кетган бир қаватли бинода ҳам даволаш корпус- лари жойлашади. Бинонинг юқори қисмида барпо этилган алоҳида майдончада даволашчи- лар, кўш нуридан баҳра- манд бўладилар.

Янги шифохона комплекси- да усти бекик сузиб бассейни ҳам бор. Илқ сув билан таъ- минланадиган бу бассейндан йил бўйи фойдаланиш мумкин. Бассейн асосий корпус билан йўлак орқали боғланган. Ке- йинчалик даволаш кабинетлари ва бассейн илик, шифобахш минерал сув билан таъминла- нади.

Шифохона бинолар комплек- сининг ички ва ташқи қисмини пардозлашда замонавий, қўр- кам бинокорлик материалари- дан фойдаланилди. Девоқларга серкисо қошнлар қопланди. Заллар, қоналар турли расм- лар, қўшбичим жиҳозлар би-

лаи безатилди. Буларнинг ҳаммаси санаторий-профилакто- рийга гўзаллик бағишлаб, ки- шиларнинг оёқини да- м олишларига имкон берди.

Шифохона теварак атрофи- ни ободонлаштириш, қўнадам- зорлаштиришга ҳам катта эътибор берилди. Мева, ми- нараллар дарахтлар, ранг-баранг хуш-бўй гуллар булар ҳордиқ чиқарувчилар ва даволашчи- ларнинг баҳри-дилсини очди. Фавворалар атрофга сув зарра- чаларини уфуриб, салқинлиқ бахш этади.

С. САДАЛНОВ.

НОЗИК ДИД

(ИНТЕРМЕДИЯ).

(Таннозхон пардоз-андоз би- лан машғул. Гоҳ-гоҳ-гоҳ ўзига бир нималар деб мингиллаб қў- яди).

ТАННОЗХОН. (хурсанд) Му- лойимжон ака, хо Тихийков ана!

МУЛОИМЖОН. (ичкаридан) Нима дейсиз?

ТАННОЗХОН. Посудаларни ювиб бўздингизми?

МУЛОИМЖОН. Озгина қолди.

ТАННОЗХОН. (эркаланиб) Тезроқ тамомлаб бу ёққа чи- қинг. Маннкор қилишимга қар- рашворасиз. (хонага Мулойим- жон кирди).

МУЛОИМЖОН. Буюрган ишларингизни ҳаммасини 100 процент қилиб бақардик, жон- гинам!

ТАННОЗХОН. (қулиб). Ма- лодедизилда Тихийков.

МУЛОИМЖОН. Мулойим жон ака деб, қапираверинг аз- зим.

ТАННОЗХОН. (эркаланиб). Сизиян лубит қилганимдан Ти- хийков дейманда. (қулиб) Шун- га ҳам ҳафа бўлдингизми Му- лойимжон ака!

МУЛОИМЖОН. Нега эди ҳафа бўларканман. Ачам ҳафа эмасманда. Бу, пардоз-андоз қилишимизга қараганда уёғ- бўёққа бормоқчисиз шекили?

ТАННОЗХОН. (хурсанд). Ҳа бугун подругам Гуля билан Светалариникига бормоқчийдик. (эркаланиб). Агар, иш бўлмаса, мен келгунимча зелёний пла- тинини уюлгуб, комматаларни уюрат қилиб қўйсангиз?

МУЛОИМЖОН. Қоналарни тозалаш қийин эмаску, аммо, бугунчалик уйда бўлсангиз ях- ши бўларди.

ТАННОЗХОН. Гуляга обе- сать қилиб қўйсангиз. Бор мас- лик не удебди. Бёё таки, у мен кутди. (ҳафа бўлиб).

Ўзингиз ўртоқларингиз билан встречатси қилсангиз майли, бизга йўқми?

МУЛОИМЖОН. Ҳар бир нарсани ўз вақти бор. Ундай ташқари эркакларни йўриги бошқа.

ТАННОЗХОН. (тутуқиб). Ҳа- ли шунақами? Эркаларни йў- риги бошқа денг. (кесатиб), Шунга унутмангки жонгинам, ёёё таки, биз йигирманчи ас- рда яшаймиз.

МУЛОИМЖОН. Қизиш- шини хожати йўқ Таннозхон!

ТАННОЗХОН. (жаҳд билан). Мен сизиян културний одам деб юрсам, гирт отсталий одам экансангиз-ку.

МУЛОИМЖОН. (қуйиниб). Гапирсангиз ўзбек тилида, ё,

соф рус тилида гапиринг. Ик- кала тилини бўзиб гапирингиз уялмайсанми? Тилга ҳурмат, элга ҳурмат деганлар, ҳақи- қимиз.

ТАННОЗХОН. (тутуқиб). Биринчидан, сизиян насихатингизга муҳтож эмасман. Иккин- чидан эса, икки тилини аралаш- қуралаш қилиб гапирганимга битта мен эмас (йўқлаб). Уч- чидан эса, сиз билан туршиши истайман. Кетаман бу ердан.

МУЛОИМЖОН. Қанча?

ТАННОЗХОН. Учинмай! Сиз билан ортқи ишловмайман. (май- да-чўйдаларни чемаданга сола бошлади).

МУЛОИМЖОН. Ўйлаб иш қилисангиз Таннозхон?

ТАННОЗХОН. (Жаҳд билан). Сиздек феодал билан яшаган- дан кўра, куче яшамаган ях- ши. Мана кўрасиз, кейинчалик пушаймон бўлиб кетимдан яги- ниб борасиз (чиқиб кетди).

МУЛОИМЖОН. (орқаси- дан). Шопманг Таннозхон! (юрмоқчи бўлади, аммо юратини ушлаганича сўзга ўтириб ту- рлади). Энди нима қилдим? (ўй- лаб). Нахотки, ақлим шунчалик тўтқонлашиб қолган бўлса. (хўрсиниб). Ё, бу унинг нозик дидлигининг оқибатиминки?

М. ТҶАРАБЕКОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



ЎГИЛ — Шунинг оймларга олиб берсан, қийналмадилар... КЕЛИН — Ҳо, ҳали бақув- ватлар, янги транзистор ола- миз!



БОЛА — Амаки, менга ҳам бир қўрғина сув қуйинг. СЎТВЧИ — Бу пиво! БОЛА — Анави акалар сув дейишланти-ю...



ДОКТОР — Кўпроқ мева, сабзавот истеъмол қилиб ту- ринг. БЕМОР — Еганим шу, док- тор ака...

А. Холмқов, А. Ҳанжмов, Е. Одилов чизган расмлар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ВА Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — Янгиланлар, 10.10 — Мультифильм, 10.20 — Телеминиатюралар, 11.00 — МОС. КВА. 11.05 — Янгиланлар, 11.10 — Гимнастика, 11.25 — Мультифиль- лар, 11.55 — Музикали кўрсатув, 12.25 — Бадний фильм, 13.45 — Павловск архитектура ансамбли, 14.05 — Отаоналар, сизлар учун, 14.35 — Концерт, 15.15 — «Зел- ровье», 15.45 — Бор эканда, Ўз, экан, 16.30 — Табиат ва иснос, 17.00 — Цирк майдониди, 17.45 — ТОШКЕНТ, 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.25 — «Ахборот», 18.40 — Жаҳон халқларининг қў- шиқ ва куйлари, 19.15 — «Фан» программаси, 19.45 — Кино ола- мида, 20.35 — Ўзбекистон (теле- журнал), 20.45 — Телеочерк, 20.55 — «Ахборот», 21.15 — Эҳрон куйла- ри, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Неч- кишларнинг қиёоси бу (бадний фильм), ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 11.00 — ТОШКЕНТ. Фильм, сене- тасиб, 12.10 — Вулкан билан бир- гамиз (бадний фильм), 17.45 — МОСКВА. Музикасиз музика- лар, 18.45 — Москва концерт зал- лари бўлаб, 19.30 — «Шеъринг», 20.05 — Телеспектакль, 22.00 — Хужахати кино экрани, 22.30 — Телеспектаклининг дамони, 23.00 — Концерт, 23.25 — От спорти бўйи- ча СССР чемпионати, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 17.45 — ДУШАН- БА КўРСАТУВЛАРИ.

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ»

трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1974—75 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚУВ КОМБИНАТИ — маши- нист-экскаваторчи, сиреперчи, бўладозчи, қурилиш ва йўл машиналари ремонтчи бўйича слесарлар тайярлайди.

Ўқувчилар 76 сўм ҳажмида стипендия, ҳақуси иккинчи ва еттоқхона билан таъминланади.

8—10 синф ҳажмида маъ- лумотга эга бўлган 18 дан 35 ёшгача бўлганлар қабул қили- нади.

Кирувчилар, ариза, автобио- графия, маълумоти турсиндаги ҳужжат, туғилганлиги туғри- сидаги тугувоҳнома (ёки тисе- порти, турар жойидаги справкаи, хариактеристика, 286-формадан медицина справкиси, 3х4 см, катталикдаги 4 донна фотосу- ратларни топширадилар.

Брдан бошланади, МАШГУЛОТЛАР — 1 сенти, ҚИШ МУДДАТИ — олти ой, МАШГУЛОТЛАР ЎЗБЕК БА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БО- РИЛАДИ.

Ўқувчилар қабул қилиш ҳар ойда ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тош- кент обласи, Писмент район, «Тошкент депгиз»нинг чап қирғоғи.

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана в областном комитете

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: